



**"Тасдиқлайман"**  
**«Ўзавиация» Агентлиги директори в.б.**

**Т.Э. Улжаев**  
**05 2020 йил**

## **ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ РЕГЛАМЕНТИ** **(«Ўзавиация» Агентлиги)**

### **1. Хизматларнинг тавсифлари (паспорт)**

#### **1.1. Хизматларнинг номланиши**

Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома бериш

#### **1.2. Хизматлар натижалари**

Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома бериш

Рухсатномаларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 августдаги 226-сон «Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори билан тасдиқланган,

#### **1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар ва бланкаларни олиниш жойлари**

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги фуқаро авиацияси Агентлиги (Аэродромларни сертификатлаш, аэродром ҳудудида объектларни жойлаштиришга рухсат бериш бўлими «АСОЖРБ»), агентлик сайти [www.uzcaa.uz](http://www.uzcaa.uz)

#### **1.4. Ҳуқуқий асослар**

1. Ҳаво кодексининг 17 моддаси
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 августдаги 226-сон «Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори

#### **1.5. Хизматларнинг олиниши**

Хизматларни жисмоний ва юридик шахслар олишлари мумкин

#### **1.6. Буюртмани бериш муддати**

Янги қурилаётган объектлар учун қурилиш бошланишидан олдин

## 1.7. Буюртмани топириш муддатига риоя қилинмаслик оқибатларини кўрсатиш

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 116-моддасига биноан жавобгарлик мавжуд

## 1.8. Бажарилиш муддати

Текшириш натижаларига кўра Агентлик рухсатнома беради ёки ҳужжатларни олган кундан бошлаб йигирма беш иш кунидан ошмайдиган муддатда беришни рад этади

## 1.9. Тасдиқлаш муддати

Тааллуқли эмас

## 2. Хизмат олувчиларни хабардор қилиш

### 2.1. Маълумотларнинг таркиби ва хажми

Ҳар қандай мурожаат этувчига рухсатномаларни бериш тартиби, шу жумладан зарур ҳужжатларни агентлик веб-сайтидан - [www.uzcaa.uz](http://www.uzcaa.uz) дан юклаб олиш имконияти тўғрисида маълумот тақдим этилиши кафолатланади.

### 2.2. Кенг маълумот бериш

Рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги маълумотлар агентликнинг [www.uzcaa.uz](http://www.uzcaa.uz) веб-сайтида амалга оширилади

### 2.3. Сўров бўйича маълумот бериш

(78) 120-00-74 телефон орқали: 9-00 дан 18-00 гача парвозлар хавфсизлигини туғдириши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишга рухсат бериш тартиби тўғрисида маълумотни оғзаки тақдим этиш; 254-14-82 ёки 255-53-37 факс орқали суткада, ёзма сўровларни қабул қилади, 9-00 дан 18-00 гача агентлик идораси, сўров бўйича ёзма ҳужжатларни қабул қилиш ва бериш;  
М.мадаминов @uzcaa.uz ёки [caa@uzcaa.uz](mailto:caa@uzcaa.uz): электрон почтаси орқали: ёзма сўровларни кун давомида қабул қилиш;

### 2.4. Хизмат кўрсатиш жойидаги маълумот

«Узавиация» агентлигининг манзили: 100015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-б. мўлжал - Миробод бозори рўпарасида

### 2.5. Фойдаланиладиган бланкалар (шакллар)

Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун ариза ва рухсатномалар бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 августдаги "Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 226-сонли қарори билан белгиланади.



### 3. Хизмат кўрсатиш

#### 3.1. Иш вақти

«Узавиация» агентлигининг иш вақти ҳар куни 9-00 дан 18-00га қадар, шанба ва якшанба, шунингдек байрам кунларидан ташқари

#### 3.2. Кутиш шартлари

Тааллуқли эмас

### 4. Хизмат кўрсатиш тартиби

#### 4.1. Зарур хужжатлар

а) объектнинг номи, мақсади ва манзили кўрсатилган рухсат олиш учун ариза;  
б) объектнинг жойлашган нуқтасида ернинг денгиз сатҳидан мутлақ кўтарилиши, унинг баландлиги ва учиш-қўниш йўлагининг асосий киришига нисбатан Х ва У чизиқли координаталари тўғрисидаги маълумотлар;  
в) кўчага боғланган объектни (объектни аҳоли пунктига жойлаштиришда) ёки аҳоли пунктларини (объектни аҳоли пунктдан ташқарида жойлаштиришда), объектнинг кўлами ва географик координаталарини кўрсатувчи харита (диаграмма ёки режа);  
г) алоқа линиялари ва электр узатиш линиялари (шу жумладан юқори волтли), ёруғлик мосламалари, радио ва электромагнит нурланиш объектлари, шунингдек ҳаво бўшлиғида электромагнит, ёруғлик, акустик, заррачалар ва бошқа турдаги нурланишларни келтириб чиқарадиган бошқа объектларнинг техник параметрлари. Ушбу объектларни ўрнатиш ҳолатлари;  
д) радио алоқа линиялари ва электр узатиш линиялари қурилишини мувофиқлаштиришда, энг яқин аэродромнинг назорат нуқтасидан 1,5 км радиусда, электр узатиш линияларининг номи, волтажи, баландлиги ва барча минораларнинг баландлиги ва координаталари, улар ўтадиган жойлар ва майдонлар билан бошланиш ва тугалланиш нуқталари.

#### 4.2. Хизматлар тўлови.

Хизматлар пулли.

Рухсатномани расмийлаштириш учун "Узавиация" агентлигига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 августдаги 226-сонли қарори билан белгиланган базавий ҳисобланган қийматдан 14,3 баравар миқдорида йиғим олинади.

#### 4.3. Давлат хизматларини кўрсатиш босқичлари

Ўзавиация агентлигининг [www.uzsa.uz](http://www.uzsa.uz) сайтида босқичма-босқич «асосий - меъёрий хужжатлар - авиация фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси - 7-блок "Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" ги қарорни босинг.

Қоидалар қуйидаги босқичларни белгилайди:

- а) аризани қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;
- б) ариза берувчига унинг қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ёзма равишда билдирилган мурожаатни дастлабки баҳолаш;
- в) ариза берувчига аниқланган камчиликлар тўғрисида ёзма равишда билдирилган мурожаат ва далилларни ўрганиш;
- г) ариза берувчидан далилларга асосланган хужжатларни текшириш пайтида

аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг бартараф этилишини текшириш тўғрисида ҳужжатларни қабул қилиш;  
д) тақдим этилган маълумотларга мувофиқ далолатномани тайёрлаш;  
е) аудит натижалари бўйича объектга рухсат бериш (бермаслик) тўғрисидаги далолатномани тайёрлаш.

#### **4.4. Давлат хизматларини тақдим этишнинг ички идоравий тартиблари**

Аризани Агентлик идорасига қабул қилиш - аризани кўриб чиқиш учун Агентлик директорига топшириш - Агентликнинг АСОЖРБга бериш – аризани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 августдаги “Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 226-сонли қарорига мувофиқ кўриб чиқиш- рухсатнома бериш ёки ариза берувчига рухсат бериш тўғрисида ёзма равишда рад этишни юбориш

#### **4.5. Рад этиш асослари**

а) рухсатнома бериш учун зарур бўлган ҳужжатларни ариза берувчи томонидан тўлиқсиз ҳажмда тақдим этилиши;  
б) ариза берувчининг рухсат олиш талаблари ва шартларига номувофиқлиги;  
в) ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги;  
г) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва “Ўзавиация” агентлигининг асослантирилган салбий хулосаси.

### **5. Сифатни таъминлаш**


#### **5.1. Сифат параметрлари**

Тааллуқли эмас

#### **5.2. Сифатсиз хизматлардан шикоят қилиш**

Сифатсиз хизматлардан шикоят қилиш  
Хизматни олувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рухсатнома беришнинг рад этилиши, шунингдек “Ўзавиация” агентлиги мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиши мумкин:  
- шахсий мурожаат;  
- хатлар;  
- Электрон почта.

давлат хизматларини кўрсатиш схемаси  
(Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият учун рухсатнома бериш учун)





## СЎРОВНОМА

парвозлар хавфсизлигига хавф тугдириши мумкин бўлган фаолият  
турларига рухсатномалар бериш учун

Ушбу объектга рухсат беришингизни сўрайман

\_\_\_\_\_  
(объектнинг номи ва мақсади, объектнинг жойлашуви

\_\_\_\_\_  
жисмоний хусусиятлари — объектнинг баландлиги ва ўлчамлари)  
тегишли \_\_\_\_\_,

(тадбиркорлик субъектининг номи ва юридик шакли\*)

Илова: \_\_\_\_\_

(сўровномага илова қилинадиган хужжатлар рўйхати)

\_\_\_\_\_  
(рахбар)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

Эслатма: \* Жисмоний шахслар учун фуқаронинг фамилияси, исми,  
отасининг исми, шахсини тасдиқловчи хужжатнинг маълумотлари кўрсатилади.